

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИНИНГ ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ТАФАККУРИНИ ЎСТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Содиқова Дилфуза Ропижоновна – ЖДПИ ўқитувчи

Аннотация: Ушбу мақолада шарқ мутаффакирлари асарларининг ҳозирги кунда ҳам талаба ёшларнинг ижодий тафаккурини ўстиришда муҳим аҳамият касб этаётганлиги ҳақида фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар: Ижод, тафаккур, мутафаккир, муносабат, баркамол, тасаввур, фаолият, ақл, мустақил фикр, қобилият.

Аннотация: В статье обсуждается тот факт, что произведения восточных мыслителей по-прежнему играют важную роль в развитии творческого мышления учащихся.

Ключевые слова: Творчество, мышление, мыслитель, установка, компетентность, воображение, деятельность, интеллект, самостоятельное мышление, способности.

Abstract: The article discusses the fact that the works of oriental thinkers still play an important role in the development of students' creative thinking.

Keywords: creativity, thinking, thinker, attitude, competence, imagination, activity, independent thinking, abilities.

Барчамизга яхши маълумки юртимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар барча соҳаларга, шунингдек, таълим жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаяпти. Эски ижтимоий муносабатлар шаклларида бузилиши ва янги демократик ҳаёт тарзининг вужудга келиши шахснинг ижодий фаоллигини талаб қилмоқда. Ижодкор, фаол, мустақил фикрловчи шахсни тарбиялаб вояга етказиш учун таълим тизимида муҳим ўзгаришлар ва қайта қуриш ҳаётий зарурат бўлиб қолмоқда. Шу боисдан, таълимда туб ўзгаришлар яшаш, фаол, ижодкор, ақл-заковатли, зиёли мутахассисларни тайёрлашнинг илмий асосларини яратиш қатор фанларнинг, шу жумладан, педагогиканинг долзарб вазифаларидан бири бўлмоқда. Шунингдек, бугунги

кун жахон педагогикаси ва таълим-тарбияси олдида турган мухим масалалардан яна бири, нафақат билимли, балки ижодий тафаккур сохиби бўлган, мустақил фикрловчи шахсни шакллантиришнинг усул ва воситаларини излаш асосий масалалардан ҳисобланади. Маълумки, мустақил фикрловчи, ақлан етук, рухан тетик, маънан баркамол шахсни шакллантириш ғояси инсониятнинг пайдо бўлиши давридан бошланган бўлиб, у шу даврлар оралиғида босқичма-босқич ривожланиб келмоқда. Мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни тарбиялаш билан боғлиқ тушунчалар бугунги кунда ҳам кенг тарзда талкин этилмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки ижод – бу инсон табиат бойликларини онгли равишда ўзлаштириши жараёнида янги моддий ва маънавий бойликлар яратиш, шунингдек инсоннинг қобилиятларини ривожлантириш жараёнидир. Ижод деганда кенг маънода шахс ёки жамиятнинг табиий, ижтимоий ва маънавий оламини инсоннинг мақсад ва вазифаларига, унинг эҳтиёжлари, истаклари ва имкониятларига мувофиқ равишда ўзгартириш борасидаги бунёдкор фаоллиги тушунилади. Субъектнинг борлиқда фаол ва изчил тарзда янгилик яратиш иродасининг таъсири ижодий фаолиятда ўз аксини топади. Одамлар онгли ижод орқали бизни қуршаган оламни кузатибгина қолмай балки уни фаол яратади ҳам. Шахс эркинлиги, ижод изланишлар ва ижод натижаларининг танқид учун очиқлиги, ижод атрофида фикрлар ва ғоялар кураши илмий, бадиий, техникавий ижод ривожланишининг зарур шартидир. Ижод фаолияти туфайли янги ғоялар, қарашлар, назариялар одамларнинг қалби ва ақлида ҳукм сура бошлайди, бу эса ижтимоий тараққиётга олиб келади. Ижодкорлик фаолиятнинг турли ҳолатларида пайдо бўлади. Қизиқиш, илҳом, интилиш ва бошқалар ижодкорликнинг инсон онгида энг олий тарзда пайдо бўлишидан тортиб, то намоён бўлишигача жараённи ўз ичига олади. Шахснинг ижодий фаолият эҳтиёжи унинг ҳаракатларида янги, илгари мақсад қилиб қўйилмаган бунёдкорлик интилишини билдиради. Ижодкор шахсни шакллантиришда ижодий фаолиятдан ташқари тасаввур қила олиш кўникмасига эга бўлиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тасаввур

ва ижод бир-бири билан узвий боғлиқ аммо уларнинг орасидаги алоқадан мақсадли вазифа келиб чиқади. Бунда тасаввур ижодни келтириб чиқаради. Ижодий тасаввур жараёнида ҳар томонлама ҳис қила олиш етакчи роль ўйнайди.

Мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни тарбиялаш масаласи тарихига назар ташлайдиган бўлсак, исломгача бўлган қадимий даврда инсонни рухан ва жисмонан ёвуз рухлардан халос этиш, сақлаш, уларда яхшилиқнинг доимо ғалабасига ишонч ҳиссини шакллантириш, қалб поклиги, жисм соғломлигига даъват этувчи дастлабки тасаввурлардан иборат бўлган.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, юртимизда яшаб ижод этган мутафаккирларимиз томонидан ҳам ўз даврида таълим жараёнида мустақил фикрловчи, ижодкор шахсларни тарбиялашда ўқитишнинг қандай усул ва воситаларидан фойдаланиш лозимлиги борасида ахамиятли фикр-мулоҳазалар ўртага ташланган. Жумладан, қомусий олим Абу Райхон Беруний ўз асарларида бу борадаги масалаларга алоҳида тўхталиб, ўқувчи шахси, тафаккурини ривожлантириш учун таълим беришда кўпроққайси томонларга эътибор бериш кераклигини баён қилади. Хусусан, олимнинг таъкидлашича, ўқитишда ёдлатиш эмас, балки тушуниш, мантиқий фикрлаш, хулосалар чиқариш йўлига амал қилиш муҳимдирдеган фикрни илгари сурганини кўришимиз мумкин.

Буюк олим Абу Наср Фаробий ақл орқали, тафаккур ёрдамида билим олишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилган. Унинг асарларида тафаккур мавжудликка, умумийликка, яъни сезгилари орқали билиш хусусиятига эга, деб тушунтирилади. Фаробий таълимотига кўра, тафаккур (ақл) орқали инсон материянинг сезгиларга номаълум бўлган томонларини, умумий қонуниятларини, моҳиятини билади, санъат, фан тизидаги билимларга эга бўлади. Унинг фикрича, ақл қувват (қувват кетида)нинг энг муҳим вазифаларининг бири мантиқий операцияларни бажаришдир. Бу вазифа ақл қувватига кирувчи мустақил “қувваи фикрийя” инсон мантиқий фикрлаш жараёни томонидан амалга оширилади, яъни

агарда қувваи натифия билан англашадиган нарсани билиб олиш зарурияти туғилса, “қувваи фикрийя” ишга киришади. Бу фаолият фикр юргизиш, тушунча ва ҳукмлар ёрдами билан амалга оширилиб, кейинчалик хулосалар чиқариш билан яқунланади. Уни тафаккурга умумлаштириш ва мавҳумлаштириш, анализ ва синтез қилиш каби хусусиятлари хослиги ҳақидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга. Аллома таълимотида тафаккурни конкретликдан мавҳумликкача йўналиши ва мавҳумликдан конкретлик сари қайтиши ҳақида фикрлар ҳам учрайди. Фаробий “Ақл тўғрисида”ги рисоласида ўзига 12 хислатни бирлаштирган кишигина ахлоқий одам бўлади, дейди. “Улардан бешинчиси – сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини равон баён эта олиш” – каби хислатдир. Айнан шу фикрлар буюк аждодларимиз ҳам шахсинг мустақил фикрлаши – унинг муҳим фазилати эканлигини таъкидлаганлигини кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, Фаробийнинг фикр юритиш, тафаккур хусусиятлари ҳақидаги фикрлари ҳозирги даврга қадар ўз аҳамиятини сақлаганки, ҳозирги мустақиллик даврида ёшларда мустақил фикрлашни ривожлантиришга назарий асос бўлади.

Берунийнинг фикрича, инсон билиш, тушуниш, фикрлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш сингари истеъдодга эгадир. Инсон тафаккурини қудрати шундаки, унинг ёрдамида воқеа ва ҳодисаларни бир-бирига солиштириш, таҳлил қилиш орқали ростни ёлғонган, адолатни адолатсизликдан, яхшиликни ёмондан, ҳақиқатни эса ноҳақиқийликдан ажратиш мумкинлиги ҳақида таълим беради. Беруний бу нарса ҳар қандай фаннинг ривожланишига ижодий таъсир кўрсатишини исботлайди. У билиши лозим бўлган ҳодиса ва воқеани майдалаб бўлиб-бўлиб ўрганиш, таҳлил қилиш методикасини илгари суради.

Тафаккур, ақл туфайли инсон нарса ва ҳодисаларни бир-бири билан солиштириб, қиёслаб кўради, ўз билимларининг чинлигини аниқлайди, яъни билимларни объектив воқееликка мослигини солиштириб кўради. Берунийнинг таъкидлашича, билим ва таълимда таққослаш методи

борлиқнинг у ёки бу ҳодисасини тушунтириш учун инсон билимларини амалий фойдалилиги ва ишончлилигини излашдан иборат. Бунда таққосланадиган предметлар орасида ўхшашлик бўлиши керак. Агар улар орасида маълум мувофиқлик бўлмаса, таққосланадиган предметларнинг ҳар бир қарашлиги ўзининг объектив асосини йўқотади.

Шундай қилиб, буюк аллома ақлий фаолиятни анализ, таққослаш каби усулларини илгари сурадики, бу усуллар ҳозирги замон психологиясида ҳам тафаккур операциялари сифатида талқин этилмоқда.

Абу Али Ибн Сино ўзининг қарашларида “Тайр” (қуш), “Хайй ибн Яқзон” (Уйғоқ ўғли Тирик)каби қиссаларида ифодалаб, борлиқнинг моҳиятини чуқурроқ тушуниш учун одамларни илмий-манتيқий билишга даъват этади. Чунки бу илм киши дидини ўстиради, фикр доирасини кенгайтиради. Ибн Сино бу ҳақда шундай дейди: “Фаросат илми фойдаси нақд илмлардандир. Бу илмни билиб олсанг, у сенга кишиларни пинхоний феъл-атворини билдиради. Фаросат илмидан бахраманд бўлсанг, жуда ўткир бўлиб кетасан”. Мантиқий фикрлашни ўстириш ҳақида ёзар экан, аллома “Мантиқ илмини эгалласа, киши баҳри муҳитда чўкмайди” дейди. Ибн Синонинг таълим-тарбиявий қарашлари юксак инсонийлик тамойилларига, улуғ инсонпарварлик ғояларига таянилганлигини такидлаб ўтиш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мустақил фикрловчи ижодкор шахсларни шакллантириш борасида шарқ мутафаккирлари ҳам ўз асарларида тўхталиб ўтганлигини ва ҳозирги кунда ҳам таълим тарбия жараёнларида талаба ёшларнинг ижодий тафаккурини ўстиришга хизмат қилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Каримова В.М., Суннатов Р.И., Тожибоева Р.Н. Мустақил фикрлаш. / Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув кўлланма. – Т.: «Шарқ», 2000
- 2.Умаров Б Узулсиз таълим жараёнида мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни шакллантиришнинг айрим психологик жиҳатлари. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2017, 3

3. Sodiqova, D. (2019). PECULIARITIES OF FORMING CREATIVE ATTITUDE TO THOUGHTS OF STUDENTS. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(12)*.
4. Sodiqova, D. (2020). Buyuk allomalarimiz asarlarida oilada bola tarbiyasining ahamiyati haqida qarashlari. *Журнал Педагогике и психологии в современном образовании, (1)*.
5. Sodiqova, D. (2020). Талабаларда ижодий муносабатлар тафаккурини шакллантиришда тушунчалардан фойдаланиш. *Журнал Педагогике и психологии в современном образовании, (1)*.
6. Sodikova, D. (2021). SPECIFIC BENEFITS OF DEVELOPING CREATIVE THINKING RELATIONSHIPS IN STUDENTS. *Thematics Journal of Social Sciences, 7(3)*.
7. Содыкова, Д. (2020). ТАЛАБАЛАРДА ИЖОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ПЕДАГОГИКА СОСЛАРИ. *ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ, (SI-2№ 5)*.